



ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛМОҚДА

Тошкент шаҳридаги Халқаро конгресс марказида 26 февраль куни Покистон Ислom Республикаси Бош вазири
Шаҳбоз Шарифни расмий кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, шохсупага таклиф этди. Ҳарбий оркестр икки мамлакат давлат мадҳияларини ижро этди.

Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф тор доирада ва расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказдилар.

Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг барча йўналишлари қўриб чиқилди.

Сўхбат аввалида Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари кейинги йилларда кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Фаол сиёсий мулоқотлар, самарали парламентлараро ва идоралараро алмашинувлар давом этмоқда.

2024 йилда товар айирбошлаш ҳажми 400 миллион доллардан ошди, қўшма корхоналар сони 130 тага етди. Карачи ва Тошкентда савдо уйлари очилди. Тошкент ва Лаҳор ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар тикланди.

Хукуматлараро комиссия йиғилиши, бизнес форумлари ва Ўзбекистон миллий саноат кўرғазмаси муваффақиятли ўтказилди.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қабул қилинган «Йўл харитаси» асосида товар айирбошлаш ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш бўйича ўзаро мувофиқлашган чоралар қўриш муҳимлиги таъкидланди.

Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товарлар рўйхатини кенгайтириш, фитосанитария ва карантин талабларини, боғжона тартиб-таомилларини ўзаро соддалаштириш, стандартларни яқинлаштириш, электрон савдо платформаларини интеграция қилиш, харидларда иштирок этиш имкониятини таъминлаш, банклараро ҳисоб-китоблар механизмларини такомиллаштириш ва бошқалар устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Етакчи компанияларнинг фармацевтика, электротехника, кишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, геология ва минерал ресурслар, тўқимачилик, чарм саноати ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини амалга ошириш режалари қўриб чиқилди.

Худудлар ўртасидаги ишбилармонлик ва маданий алоқаларни рағбатлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда икки мамлакат худудлари форумини ўтказишни таклиф этди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликини кучайтириш ва транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Кейинги бир неча йилда «Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон» мультимодал йўлгга орқали юк ташиш

ҳажми 5 баробар кўпайгани мамнуният билан қайд этилди. Юк айланмаси ҳажмини янада ошириш мақсадида қўшма транспорт-логистика компаниясини ташкил этишга келишиб олинди.

Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалда илгари суриш мақсадида биргаликдаги савй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш муҳим экани таъкидланди.

Хукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини жорий йил июль ойида Лаҳор шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

Томонлар маданий-гуманитар ва туризм алмашинувини янада кенгайтириш муҳимлигини қайд этдилар. Шу маънода, ўзаро Маданият ҳафталиклари ва туризм дастурлари тақдимотларини ўтказишга келишиб олинди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати, Ислom ҳамкорлик ташкилоти, ШХТ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири терроризм, радикализм, исломофобия ва хавфсизликка таҳдид солаётган бошқа замонавий хатарларга қарши курашишда савй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Кенг қўламли ҳамкорликнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадида Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини таъсис этиш ва

унинг биринчи йиғилишини келгуси йилда ўтказишга келишиб олинди.

Олий даражадаги музокаралар якунида эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича қўшма «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф кўп қиррали Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган Қўшма декларация ҳамда икки томонлама Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини тузиш тўғрисидаги баённомани имзоладилар.

Икки мамлакат етакчилари ҳузурида ташриф давомида имзоланган куйидаги ҳужжатлар алмашилди:

— Фан, техника ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Дипломатик паспорт эгаларининг визасиз сафарлари тўғрисида битим;

— Ички ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Профессional таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ёшларга оид сиёсат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Миллий ахборот агентликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— дипломатик академиялар, Тошкент ва Лаҳор шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ва ахдлашувлар ҳамда бошқа ҳужжатлар.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф бўлиб ўтган музокаралар якунларига изоҳ бердилар.

Давлатимиз раҳбари сўзининг авалида учрашувлар самарали бўлганини алоҳида қайд этиб, ушбу тарихий ташриф Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклигида янги саҳифа очишини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини юксак баҳолади.

Хукуматлараро комиссия самарали фаолият юритмоқда, сиёсий маслаҳатлашувлар, қатор ишбилармонлик тадбирлари ва Ўзбекистон саноат кўрғазмаси муваффақиятли ўтказилди.

Олий даражадаги музокаралар чоғида томонлар кўп қиррали ҳамкорлигининг янги «ўсиш нуқталари»ни белгилаб олгани, Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини ташкил этишга келишиб олингани таъкидланди.

Ўзаро савдо ҳажмини кескин ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, саноат кооперациясини ку-

чайтириш, транспорт жиҳатдан ўзаро боғлиқликини ривожлантириш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва унга қулай шароитлар яратиш масалалари диққат марказида бўлди.

Глобал ва минтақавий тузилмалар, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислom ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқалар доирасидаги яқин алоқалар ҳамда ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга келишиб олинди.

Афғонистонни тинч ривожлантириш, Фаластин масаласини дипломатик йўл билан ҳал этиш борасидаги позициялар яқин экани таъкидланди.

Шу билан бирга, хавфсизлик соҳасида, терроризм, трансмиллий жиноятчилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва бошқа замонавий таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани билдирилди.

Музокараларда маданий-гуманитар ва туризм соҳаларидаги алмашинувини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Маданият ва санъат фестивалларини ўзаро ўтказиш, сайёҳлар оқими, шу жумладан, «Умра плюс» дастури доирасида ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф Ўзбекистон — Покистон бизнес форумида иштирок этдилар.

Тадбирда икки мамлакат етакчи компанияларининг 300 нафарга яқин раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди. Покистон томонидан «Al-Rafique Enterprises», «Mehran Dates Products», «Brighto Chemicals», «Transpower Industries», «FWO», «T.M.C», «Pakistan Mobile», «TCS» ва бошқа кўплаб компаниялар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бўлиб ўтган самарали музокараларда кўп қиррали шерикликини янада кенгайтириш масалалари атрофида муҳокама қилингани, катта режа ва вазифалар белгилаб олинганини таъкидлади. Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини тузишга келишиб олинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг локомотиви сифатида белгиланди.

— Улкан салоҳиятга эга бўлган иқтисодиётларимиз бир-бирини тўлдиришга қодир, — деди Президентимиз.

Ўтган йил якунларига кўра товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошди, қатор йирик қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Покистоннинг Марказий Осиёдаги энг йирик савдо шеригига айланди.

Кейинги йилларда бизнес учун қулай шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар фаол амалга оши-

рилмоқда. Лаҳор билан авиақатновлар тикланди, рейслар сонини кўпайтириш ва парвозлар географиясини кенгайтириш режалаштирилган. Бизнес форумлари, саноат кўрғазмалари ўтказилмоқда. Карачи ва Тошкент шаҳарларида савдо уйлари ташкил этилган.

Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлиги янги лойиҳалар билан бойимокда. «Pak Merit», «Diamond Group», «Silkway», «Getz Pharm», «Gerblon», «NLS» ва бошқа компаниялар билан лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорликини янада кенгайтириш бўйича қатор таклифларни илгари сурди.

Аввало, йилига камида икки марта — Ўзбекистон ва Покистонда бизнес вакилларини кенг жалб қилган ҳолда ишбилармонлик тадбирларини мунтазам ўтказиб бориш муҳимлиги таъкидланди.

Жўғрофий яқинлиқни ҳисобга олиб, товар айирбошлаш ҳажмини кескин ошириш, шу жумладан, амалдаги Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товарлар номенклатурасини кенгайтириш, фитосанитария, карантин ва боғжона тартиб-таомилларини соддалаштириш, банклараро ҳисоб-китоблар механизмларини такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Хитойни Марказий Осиё билан боғлайдиган темир йўл қурилиши бошлангани мамнуният билан қайд этилди. Келажақда ушбу стратегик йўл Покистон бандаргоҳларига олиб чиқиши мумкин, бу эса ўзаро савдо ва инвестицияларни сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Саноат кооперациясини жадал ривожлантириш мамлакатларимизнинг туб манфаатларига мосдир.

Худудлараро ҳамкорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Шу маънода, худудлар раҳбарларининг ўзаро ташрифларини фаоллаштириш, бунда икки мамлакат ишбилармон доираларини кенг жалб қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар дастурини, шунингдек, бизнес юритиш учун яратилган шароитларни юқори баҳолаб, шериклики кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Шу билан Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АББАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда
Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанини таваллуд куни билан самимий табриклади.

Давлатимиз раҳбари Туркия етакчисига сичат-салооматлик, фаровонлик, қардош турк халқининг барқарор тараққиёти ва равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Замонавий Туркиянинг барпо этилишида, мамлакатнинг глобал майдондаги нуфузи юксалишида, Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари бугунги юксак даражага кўтарилишида Президент Режеп Эрдоғанининг ўрни ва шахсий ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Турли даражаларда фаол, сермахсул мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорлик суръати ошиб бораётгани катта мамнуният билан таъкидланди.

Инвестициялар, инновациялар, энер-

гетика, инфратузилма, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши ва Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги бўлажак саммитлар кун тартибини тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Сўхбат якунида етакчилар бутун муслмон уммати учун муқаддас бўлган Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан бир-бирини табриклаб, қардош Ўзбекистон ва Туркия халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

ЎЗА.

ЖАНУБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОЛИ ЖУДА КАТТА

26 февраль куни Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг Ўзбекистонга амалга оширган икки кунлик расмий ташрифи якунланди.

Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги саммит давомида Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг барча йўналиши қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва

Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф кейинги йилларда кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Тошкентда Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган Қўшма декларация ҳамда икки томонлама Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини тузиш тўғрисидаги баённома имзоланди.

Дунё нигоҳи

Сармад АЛИ,
Покистон Сенати аъзоси:

— Ташриф икки давлат ўртасидаги чуқур тарихий алоқалардан дарак беради. Покистон ҳукумати раҳбари Шаҳбоз Шарифнинг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашуви янги келишув ва ташаббуслар орқали минтақавий алоқалар доирасида иқтисодий ҳамкорликни

кенгайтириш, стратегик шериклик муносабатларини чуқурлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Кун тартибидаги асосий масала ўзаро савдо ва сармояни рағбатлантиришдан иборат. Шу билан бирга, ҳар икки томон ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш бўйича кўзланган мақсадни амалга оширишга интилоқда.

Ишончим комилки, Тошкентда бўлиб ўтган музокараларда таъкидлангани-

дек, иқтисодий муносабатларнинг бугунги суръатлари билан турли соҳада, жумладан, энергетика, инфратузилма ва юқори технологиялар соҳаларида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш орқали ўзаро савдо ҳажмини 2 миллиард АҚШ доллардан зиёдага ошириш мумкин.

Ташриф давомида муҳим ҳужжатлар тўплами — савдо, мудофаа ишлаб чиқариши, иқлим ўзгариши, туризм, маданият ва таълим соҳаларини қамраб олган келишув ва меморандумлар

имзоланди. Ушбу келишувлар бизнес имкониятларини кенгайтириш ва муҳим соҳаларда Покистон — Ўзбекистон ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ташриф доирасида бўлиб ўтган Покистон — Ўзбекистон бизнес форуми, ишбилармон доиралари вакиллари ўртасидаги «B2B» учрашувлари тижорат алоқаларини мустаҳкамлаш, янги сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўшма корхоналарни ташкил этишга замин яратади.

ЖАНУБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАЎҚАМЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОЛИ ЖУДА КАТТА



Давлат раҳбар-лари иқтисодий алоқалардан таш-қари минтақавий хавфсиз-лик ва кўп томонлама ҳам-корлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Икка-ла давлат ҳам Марказий ва Жанубий Осиёда барқарор-ликни сақлаш ҳамда минтақавий савдо йўлак-ларини мустаҳкамлашдан умумий манфаатлар-га эга.

Жанубий ва Марказий Осиё ўртасидаги минтақавий алоқаларни мустаҳкамлашда Ўзе-кистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг роли жуда юқори. Ушбу муҳим омил Поки-стоннинг Марказий Осиё мамлакатлари учун муҳим савдо ва транзит маркази сифатидаги мавқеи билан бир қаторда ҳар икки томон-нинг минтақавий тараққиёт ва иқтисодий ин-теграция ҳақидаги қарашларини мустаҳкам-лайди.

Покистон ва Ўзбекистон ўзаро ҳамкорлик-ни янги чўққиларга олиб чиқиш, минтақада узоқ муддатли фаровонлик ва барқарорлиқни таъминлаш учун савдо, инвестиция ва мудофаа соҳаларида шериклиқни чуқур-лаштирмоқда.

Мухтасар айтганда Бош вазир Шаҳбоз Шарифнинг таширфи Ўзбекистон — Покистон муносабатларини мустаҳкамлаш, дипломатик ва иқтисодий ҳамкорликнинг янги уфқларига йўл очишда муҳим қадам бўлди.

Холид Таймур АКРОМ, «Умумий келажақ жамияти» таҳлил маркази ижрочи директори:

— Покистон ва Ўзе-кистон раҳбарлари ўрта-сида бўлиб ўтган олий да-ражадаги музокаралар икки томонлама стратегик шериклиқни янада муста-ҳкамлашга хизмат қилди. Ҳар икки давлат ўзаро савдо ҳаҷмини кенгайти-ришга интилаётган экан, унинг натижалари минтақавий боғлиқлик ташаббусини янги лойиҳалар билан бойитди. Дипломатик му-носабатларни мустаҳкамлайди, иқтисодий ҳамкорлик ва ўзаро фаровонликни рағбатлан-тирадиган шериклиқнинг янги йўналишлари бўйича келишиб олиш имкониятини беради.

Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг Ўзбекистонга таширфи чоғида икки давлат-нинг иқтисодийнинг турли соҳаларида ҳам-корлиқни чуқурлаштиришга бўлган интилишни кучайтирувчи қатор икки томонлама шарт-номалар имзоланди.

Таширфинг асосий нуқтаси Покистон — Ўзбекистон бизнес форуми бўлиб, унда етак-чи бизнес вакиллари “B2B” форматидagi уч-рашувларда иштирок этди. Ушбу форум яку-нлари Покистон ва Ўзбекистон бизнеслари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали савдо алоқаларини мустаҳкам-лайди, сармоявий ва иқтисодий имкониятлар-ни оширишга замин яратди.

Янги келишувларнинг имзолангани савдо, иқлим ўзгариши, мудофаа соҳасидаги ҳамкор-лик ва маданий-гуманитар алмашинув каби соҳаларда икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун мустаҳкам замин яратди.

Мамлакатларимизни иқтисодий ва страте-гик шериклиқни барча соҳаларда кенгайти-риш, барқарор ривожланиш ва минтақавий та-раққиётга қўмаклашиш истаги бирлаштирди. Покистон ва Ўзбекистон минтақавий ва гло-бал тинчликка қўмаклашиш, хусусан, Жану-бий ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқалар-ни мустаҳкамлаш борасида умумий қараш-ларга эга.

Ҳар икки давлат минтақавий савдо алоқа-лари ва минтақавий хавфсизлиқни таъмин-лаш, жумладан, терроризмга қарши кураш ма-салаларида ўз ролини кучайтириш ниятида.

Бош вазир Шаҳбоз Шарифнинг таширфи Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муноса-батларни мустаҳкамлаш учун катта салоҳият-га эга. Бу нафақат кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга замин яратди, балки минта-қавий барқарорлик ва иқтисодий фаровон-ликни янада оширишга ҳам хизмат қилди. Стратегик шериклиқни мустаҳкамлаш ҳар икки давлатнинг ўсиб бораётган икки томонлама алоқаларидан узоқ муддатли фойда олишда давом этишини таъминлайди.

Адам САУД, «Бахрия» университетини гуманитар ва ижтимоий фанлар факультети декани, профессор:

— Покистон Бош вази-ри Шаҳбоз Шарифнинг Ўзбекистонга бу галги таширфи икки қардош халқ ўртасидаги алоқалар кундан-кун мустаҳкамла-ниб бораётган бир палла-га тўғри келмоқда.

Расмий Исломобод ва Тошкент ўзаро алоқаларни кўп томонлама даражада, айниқ-са, COVID-19 пандемияси ҳолатида ҳам мустаҳкамлади.

Ўзаро савдонин янада ривожлантириш, ма-даний алмашинувларни мустаҳкамлаш, стра-тегик шериклик учун янги умумий асосларни излаш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш масалалари бўйи-ча яқин ҳамкорлик, Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш та-шаббуси доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш — буларнинг барчаси икки томонла-ма кун тартибидagi долзарб масалалар.

Умумий дин, тарих ва маданият халқ дип-

ломатиясини ривожлантириш учун кенг имко-ниятлар яратди. Ўзбекистонда покистонлик талабалар сони сезиларли даражада ошгани бу мамлакатнинг Покистон жамияти учун аҳамиятидан далолат беради. Бундай ўзаро ҳамкорлик фаол равишда қўллаб-қувватлани-ши керак.

Зиёрат туризми, албатта, муҳим йўналиш ҳисобланади. Аксарият покистонликлар Имом Бухорий ва Имом Термизий меросига ҳурмат билан ёндашади. Шунингдек, Покистонда ўзбек халқининг буюк аждодлари Амир Темура ва Захриддин Муҳаммад Бобур эъзозланади.

“Uzbekistan Airways” АЖ покистонлик йўлов-чиларга гўзал Ўзбекистонга тўғридан-тўғри ва энг қисқа масофани босиб ўтишни таъмин-лаш баробарида Марказий Осиё, МДҲ ва Ев-ропанинг бошқа мамлакатларига саёҳат қилиш учун муқобили йўналиш тақдим этиши мумкин.

Ҳар икки томон илм-фан, билим алмашиш, технология ва ривожланиш соҳасида бир-би-рини қўллаб-қувватламоқда.

Ишончим комилки, Ўзбекистонга бу галги таширф икки давлат ўртасидаги стратегик ше-риклиқни янада ривожлантиришга янги суръ-ат бағишлайди.

Махмуд ул-Ҳасан ХОН, «Жанубий Осиё ва халқаро тадқиқотлар» таҳлил маркази ижрочи директори:

— Таширф Ўзбекистон ва Покистон ҳамкорлигини барча муҳим йўналишда, хусусан савдо, транспорт, энергетика, минтақавий хавфсизлик, мудофаа, таъ-лим, маданият ва бошқа соҳаларда мустаҳкамлаш ҳамда стратегик шериклик муносабатларини кенгайтиришда янги босқичнинг бошланиши бўлади.

Мутахассисларга кўра имзоланган ҳужжат-лар янги лойиҳалар учун мустаҳкам пойдевор бўлиб, уларни ҳаётга татбиқ этилишини тез-лаштиради.

Томонлар бизнес, транспорт ва логистика, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, терроризм ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш, оммавий ахборот воситалари, маданият, таъ-лим ва бошқа соҳаларда самарали идорала-раро ва вазириликларо механизмлари йўлга қўйишга интилкимоқда.

Тўқимачилик, мода, қишлоқ хўжалиги, фар-мацевтика ва ахборот технологиялари каби соҳаларда янги қўшма корхоналар яратиш учун улкан салоҳият мавжуд.

Икки давлат етакчилирининг музокаралари якунлари ва эришилган келишувлар ўзаро сав-до ҳаҷмини ошириш, сармояларни жалб қилиш, савдо уйлари ва маданий марказла-ри ташкил этиш, бизнес-форумлар, “B2B” ва “G2D” учрашувлари, саноат ва қишлоқ хўжа-лиги кўргазмалари ва бошқа тадбирларни ўтказишга кучли туртки беради.

Покистон ва Ўзбекистон “GSP+” тизими ма-қомига эга бўлиб, ушбу имтиёз уларнинг тўқи-мачилик, тикувчилик ва мода саноати каби турли соҳалардаги ҳамкорлигини мувофиқ-лаштириш истикболларини янада кенгайти-ради. Ўзбекистоннинг турли ҳудудидagi тўқи-мачилик корхоналаридан биргаликда фойда-ланиш қўшимча афзаллик бериши мумкин.

Ҳар икки давлат барқарор транзит тизи-минини яратиш, савдо-иқтисодий мақсадларга эришиш, минтақавий иқтисодий-иқтисодий ин-теграция, товар айирбошлаш ҳаҷмини оши-риш, саноат кооперациясини жадаллаштириш учун транспорт-логистика коридорларини ди-версификация қилиш устида ишламоқда.

Электрон тижорат ва инсон капиталини ри-вожлантириш бўйича қўшма дастурларни жо-рий этиш иқтисодий дипломатиянинг яна бир истикболли йўналиши ҳисобланади.

Иқтисодий интеграция ва саноат коопе-рациясининг янги инновацион, интеграциялаш-ш ва рақамли моделини шакллантириш ҳам икки томонлама кун тартибидан муҳим бан-ди сифатида қаралмоқда.

Хусусий сектор вакилларининг иқтисодий жараёнларда бевосита иштирок этиши, улар томонидан ҳар икки давлат ҳудудида барпо этилаётган савдо уйлари, замонавий ишлаб чиқариш ва саноат объектлари стратегик ше-рикликни янада мустаҳкамламоқда.

Ишонаманки, таширф янги марраларнинг бошланиши бўлади. Шунингдек, у Покистон ва Ўзбекистон халқларига ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларига барқарорлик ва фаровонлик олиб келади.

Асад Мажи́д ХОН, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош қотиби:

— Таширф муҳим воқеа бўлди, чунки Покистон ҳам, Ўзбекистон ҳам Иқти-содий ҳамкорлик ташкило-тининг муҳим аъзолари ва фаол иштирокчилари ҳисобланади.

Минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш тарафдори бўлган ташкилот си-фатида ИХТ етакчилиги даражасидаги бундай иштирок нафақат мамлакатларни икки томон-лама асосда яқинлаштиришда муҳим рол ўйнашига, балки минтақавий иқтисодий ўсиш, савдо интеграцияси ва алоқадорлик бўйича мазкур тузилма кун тартибидан илгари суриш-да ёрдам беришга қатъий ишонади.

Биз ушбу муҳим таширф натижаларига ижобий қараймиз ва у минтақалараро ҳам-корлиқни янада жадаллаштиришига умид қиламиз.

«Дунё» АА.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Саудия Арабистони “ACWA Power” компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жон Заиди билан учрашди.



Сўхбат чоғида икки мам-лакат раҳбарларининг дўсто-на муносабатлари ва сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон — Саудия муносабатлари янада ривожланиб, ҳамкор-лик жадал суръатда кенгай-ётгани, йирик инвестиция

лойиҳалари, энг аввало, энергетика соҳасида илгари сурилаётгани юқори баҳо-ланди.

Саудия Арабистони Қирролигининг Ўзбекистон-га киритган инвестиция-ларининг умумий ҳажми 27,3 млрд. долларни ташкил этиб, 59 та лойиҳани қа-раб олган. “ACWA Power” компанияси мамлакатимиз-нинг турли ҳудудларида энергетика инфрақурилмаси-ни модернизация қилиш ва “яшил” энергетикани ривож-лантириш бўйича йирик лойиҳаларни илгари суриш-га ҳисса қўшаётгани, Ўзе-кистонинг “яшил” энергети-

ка соҳасида стратегик ҳам-корига айлангани алоҳида қайд этилди.

Компаниянинг Ўзбекис-тонда “яшил” водородни ри-вожлантиришдаги кўмаги юқори баҳоланиб, водород қурилмаларини қуриш лойи-ҳалари юртимиз учун зарур ва истикболли экани эъти-роф этилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда “яшил” энер-гетикага оид стратегик дастурларни жорий этишга қаратилган зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш масалалари ҳам му-ҳокама қилинди.

Мулоқот якунида ўзаро манфаатли ҳамкорлик узоқ муддат давом этиши, истик-болда янада кенгайиб бори-шига ишонч билдирилди.

МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев ва Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Орелия Бушез ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Фран-ция ўртасида юқори даражадаги сиёсий ва дипломатик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик икки давлат етакчилирининг дўстона муно-сабатлари туфайли тобора ривож топаётга-ни қайд этилди.

Савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, таълим соҳаларидаги икки томонлама ҳам-корлик лойиҳалари ижобий натижалар бер-моқда. Халқаро майдонда ҳам икки давлат ҳукуматлари ва парламентлари томонидан илгари сурилган ташаббуслар қўллаб-қувват-ланаётгани, келгусида ҳамжиҳатлиқни ривож-лантириш лозимлиги таъкидланди.

Томонлар парламентлараро алоқалари-

ни мустаҳкамлаш мақсадида Франция ҳамда Ўзбекистон парламентларининг дўстлик гуруҳлари ва қўмиталари билан конун ижодкорлиги борасида таҳриба ал-машиш, ҳудудий Кенгашлар ўртасида ало-қаларни йўлга қўйиш масалаларини муҳо-кама қилди.

Элчи Франция парламенти вакиллари 2025 йил 5 — 9 апрель кунлари Марказий Осиё тарихида илк бор Ўзбекистонда ўтказиладиган Парламентлараро Иттифок-нинг 150-юбилей ассамблеясида иштирок этишга катта қизиқиш билдираётганини таъкидлади.

«Халқ сўзи».

Учрашув КЕЛАЖАККА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШМА ТАШАББУСЛАР

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Озигул Қозихонованинг халқаро эксперт, доктор Наира Аветисян бошчилигидаги БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари соҳа-сида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида фикр юритилиб, у давлат сиёсатининг муҳим стратегик йўналиши экани таъкидланди. Хусу-сан, Ўзбекистон миллий қонунчилигида бу бо-рада 40 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Томонлар болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга оширишнинг аҳамияти ва самарадорлигини таъкидлаб ўтди. Мактаб ёши-даги болаларни тарбиялаш, репродуктив са-ломатлик, ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш, бо-лаларни зўравонлиқнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шунингдек, таълим, инклюзив таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларининг ҳуқуқий ва институционал асосларини тақомиллаштириш соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш масала-лари муҳокама қилинди.

Учрашувда Сенатнинг ЮНИСЕФ билан ўзаро манфаатли соҳалардаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан чоралар белгилаб олинди.

АСОСИЙ ТАЛАБ — ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Ёшлар парламенти аъзолари билан учрашув ташкил этилди. Унда фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш бўйича ҳамкорликда амалга оширилаётган вазифалар ҳақида фикр алмашилди.

Қўмита раиси Б. Абдуллаев Ёшлар пар-ламенти аъзолари қабул қилинаётган қонун-ларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш-да, тарғиботини олиб боришда фаоллик кўрсатиши зарурлигини таъкидлади.

Парламент назорати доирасида мактабга-ча ва мактаб таълими, касб-хунар таълими ва олий таълим йўналиши, соғлиқни сақлаш со-ҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан назорат-таҳлил тадбирларида сенаторлар ва Ёшлар парламенти аъзоларининг келгусидаги режа-лари муҳокама қилинди.

Тадбирда навқирон авлод билан ишлаш, уларга яратилган шарт-шароитларни ўрганиш, ёшларга оид қонунчилик ижроси устидан жа-моатчилик мониторингини олиб бориш, ҳам-корликдаги режаларни белгилаб олиш ва амал-га ошириш бўйича манзилли чора-тадбирлар-ни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЙЎЛИДА

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Ўзбекистоннинг гендер тенглик соҳасидаги ютуқлари халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Масалан, Жаҳон банки индексида мамлакатимиз дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 давлат қаторига киритилди. Очiq гендер маълумотлар индексида Ўзбекистон энг яхши 20 давлат қаторида қайд этилди. Парламентлараро Иттифок томонидан юритиладиган “Парламентдаги аёллар” рейтингиди эса мамлакатимиз 193 давлат орасида 36-ўринга кўтарилди.

Бу ҳақда Олий Мажлис Сенатидаги раҳбар аёллар учрашувида айtilди. Унда сенаторлар, давлат ва жамият бошқарувида фа-олият олиб бораётган хотин-қизлар, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олим-лар, жамоат фаоллари ҳамда халқаро ташкилотлар вакил-лари иштирок этди.

Учрашувда Президенти-миз ташаббуси билан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфа-атларини ҳимоя қилиш, улар-нинг жамият ва давлат бош-қарувидаги фаоллигини оши-риш борасидаги тизимли ис-лохотлар муҳокама қилинди.

Янги таҳрирдаги Консти-туциянинг 58-моддасида давлат хотин-қизлар ва эр-какларга жамият ҳамда дав-лат ҳаётининг барча соҳала-рида тенг ҳуқуқ ва имкони-ятларни таъминлаши белги-лаб берилган. Шу мақсадда юзга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, “Хо-тин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имконият-лар кафолатлари тўғрисида” ва “Хотин-қизларни таъзия-ла ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун-лар қабул қилинди.

Хотин-қизлар масаласида

институционал асослар тақо-миллаштирилиб, маҳаллий даражадан республика дара-жасигача изчил тизим яратил-ди. “Маҳалла еттилик” ва “Инсон” марказлари ижтимо-ий ҳимояга муҳтож аёллар билан мақсадли иш олиб бор-моқда. Давлат органларида гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари ташкил этилди.

Сўнгги етти йилда хотин-қизларнинг давлат бошқа-рувидаги улуши 27 фоиздан 35 фоизга етди. Қонунчилик палатасида бу кўрсаткич 32 фоиздан 38 фоизга, ма-ҳаллий Кенгашларда 25 фоиз-дан 32,5 фоизга ошди. Раҳбарликка тайёрланган аёллар захираси яратил-ган бўлиб, шу мақсадда 2022 йилдан “Раҳбар аёл-лар” мактаби иш бошлади. Олий таълим муассасалари-да, олимлар сафида хотин-қизлар улуши ортиб, улар учун докторантурага махсус квоталар ажратилмоқда.

Учрашув якунида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва имкониятларини кен-гайтириш бўйича амалий тақлифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясига доир вазифалар ижроси юзасидан қишлоқ хўжалиги вазирининг ахбороти эшитилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ўтган 2024 йилда Стратегияга мувофиқ соҳани ри-вожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Махсулот ишлаб чиқариш ҳажми 467 трлн. сўмни ташкил этиб, 2023 йилдагига нисбатан 3,1 фоиз ўсган. Янги мевали боғлар ва узумзорлар барпо эти-ган, самарадорлиги паст бўлган бог ва узумзорлар реконст-рукция қилинган. Натижада 2,3 млрд. долларлик махсулот экспорт қилинган.

Утган йили 1,3 млн. гектарга яқин суғориладиган ҳамда 240 минг гектар лалми майдонда бошқо-ли дон экинлари экилиб, жами 8,9 млн. тонна ҳосил еттиштирил-ган, ўртача ҳосилдорлик гекта-рига 85,1 центнерга етказилган. Тупроқ сифати, шўрланиши,

янги нав ва дурагайлари етиш-тириш бўйича ишлар етарли да-ражада йўлга қўйилмагани, етиштирилаётган қартошқа, мева-сабзавот, поллиз ва узум махсулотларини мулаткичи сиғимларда сақлаш имконияти пастлиги қайд этилди.

Сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги, соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ишлари етарли эмаслиги, экспорттоп экинлар экиш учун мўлжалланган ер у-часткаларини электрон онлайн аук-цион савдолари орқали сотиш ишлари султиги таъкидланди.

Қўндалик эҳтиёж учун зарур бўлган озиқ-овқат махсулотлари бўйича нархлар барқарорлигини таъминлаш, уруғчиликни ривож-лантириш, логистика марказини ташкил қилишни жадаллашти-риш, тўғридан-тўғри хорижий ин-вестицияларни жалб этиш ҳамда соҳага ресурс тежовчи техноло-гияларни жорий қилиш бўйича тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИКНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф расмий таширф билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Покистон Бош вазири тор доирада ва расмий делегациялар иштирокида музокаралар ўтказди.

Муносабат

Унда Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик муносаба-тларини кенгайтириш ва муста-ҳкамлашнинг барча йўналишлари кўриб чиқилди. Етакчилар кўп қиррали ҳамкорлик ривожланиб бораётганини қайд этишди.

Фаол сиёсий мулоқотлар, са-марали парламентлараро ва идоралараро алмашинувлар да-вом этмоқда. Қарачи ва Тош-кентда савдо уйлари очилди. Тошкент ва Лаҳор ўртасида авиақатновлар тикланди. Ҳуку-матлараро комиссия йиғилиши, бизнес-форумлар ва Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси му-вафқиятли ўтказилди.

Музокараларда савдо-иқтисо-дий ҳамкорлиқни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қабул қилинган “Йўл харитаси” асосида товар айир-бошлаш ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш бўйича муво-фиқлаштирилган чоралар қўриш муҳимлиги таъкидланди.

Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товарлар рўйхатини кенгайтириш, фитоса-нитария ва карантин талаблари-ни, боғхона тартиб-таомиллари-ни соддалаштириш, стандарт-

ларни яқинлаштириш, электрон савдо платформаларини инте-грация қилиш, харидларда ишти-рок этиш имкониятини таъмин-лаш, банклараро ҳисоб-китоблар механизмларини тақомиллашти-риш ва бошқа устувор вазифа-лар белгиланди.

Етакчи компанияларнинг фар-мацевтика, электротехника, қишлоқ хўжалиги машинасозли-ги, геология ва минерал ре-сурслар, тўқимачилик, чарм са-ноати ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини амал-га ошириш режалари кўриб чиқилди. Ишбилармонлик ва ма-даний алоқаларни рағбатланти-риш мақсадида давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда икки мам-лакат ҳудудлари форумини ўтка-зишни тақлиф этди.

Транспорт жиҳатдан ўзаро боғлиқлиқни кучайтириш ва транзит салоҳиятини рўёбга чи-қариш масалал

Омбудсман институти:

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ — ЖАМИЯТНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Инсон ҳуқуқлари башарият тамаддунининг энг муҳим ва қимматли ютуқларидан бири бўлиб, уни ҳимоя қилиш жамиятда ҳар бир инсон учун бирламчи бўлган умумий қадрият ҳамда масъулиятдир. Айни пайтда инсон ҳуқуқлари муҳофазаси давлатни барқарор ривожлантириш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва иқтисодий тараққиётни рағбатлантиришнинг зарурий шартидир. Шу нуқтаи назардан, Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институти сифатида аҳолининг давлат органларига, адолат ва қонун устуворлигига бўлган ишончини оширишдаги роли муҳим аҳамиятга эга.

Жараён

Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти 1995 йилда ташкил этилиб, фуқаролар ҳуқуқларининг мустақам ҳимоячиси ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан парламент назоратини амалга оширувчи субъект сифатида иш бошлади. 1997 йилда эса мамлакатимизда МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб “Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади.

Таъкидлаш лозимки, Омбудсман институтининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб, унинг ваколатларини аниқ белгилаб берган ушбу ҳужжат нормалари МДХ давлатлари томонидан ўзига хос ўзбек модели сифатида эътироф этилди, ҳатто бир қатор мамлакатлардан ундан андоза олинди.

Мана, ўттиз йилдирки, Омбудсман институти давлат ва жамият ўртасидаги муҳим қўприк сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда Омбудсман — нафақат инсон ҳуқуқларига инсон қилувчи, балки бу борада тизимли таҳлиллар олиб борувчи, мурожаатларнинг барчасини холисона кўриб чиқувчи мустақил ташкилотдир, деб баралла айтила оламиз.

Шубҳасиз, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси Омбудсман институти фаолиятига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг янги — замонавий ҳамда самарали механизмлари н жорий этишда бекиёс ўринга эга бўлди. Чўнки айнан Ҳаракатлар стратегияси доирасида Омбудсманга Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди кўриб чиқиши учун қонунга мувофиқ масалалар киритиш, унинг мажлисларида қатнашиш ва суд томонидан кўриб чиқилаётган барча масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этиш, фуқаролар манфаатларини кўзлаб аризалар ва даъволар билан судларга давлат божи тўламасдан мурожаат қилиш ҳуқуқлари берилди. Шунингдек, Омбудсман давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари вакиллари нинг ахборотини эшитиш масаласини кўриб чиқиш бўйича тақлиф билан Олий Мажлис палаталарининг қўмиталарига мурожаат қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолатларда бунга сабаб бўлувчи омиллар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдирномалар киритиш каби қатор ваколатларга эга бўлди. Қолаверса, 2019 йилда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳўзурида қўйноқларнинг олдин олиш бўйича Миллий превентив механизм институти жорий этилди ва тегишли қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланди.

2024 йил 15 ноябрда кучга кирган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги янги қонун билан мамлакатимизда биринчи марта Омбудсман институтига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилгани эса инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда янада самарали механизмларни ишлаб чиқиш имконини бермоқда.

Қонун Омбудсман ваколатларини ҳамда унинг ҳудудлардаги иштирокини кенгайтириб, қийноққа солиш ҳамда бошқа гай-



риинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомаланинг олдин олишдаги фаолиятини янада кучайтириши учун зарур шарт-шароит яратди, унинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институти сифатидаги аҳамиятини янада оширди.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда мурожаатлар билан ишлаш тизимини ракамлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани фуқароларни Омбудсманга мурожаат қилиш жараёнидаги ортиқча оворагарчиликлардан халос этиб, уларнинг шикоятлари тезкорлик билан кўриб чиқилиши ва адолат қарор топиши учун замин яратмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 сентябрдаги Фармонига асосан Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ўз фаолиятини доимий асосда бошлагани ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Бундай ёндашув жойлардаги муаммоларни ҳудуднинг ўзида, тўғридан-тўғри ўрганиш имконини кенгайтирди. Фуқароларнинг аризалари, маҳмуллар ва маҳбусларнинг мурожаатлари чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг ҳуқуқлари тикланиши учун аниқ механизмлар йўлга қўйилди.

Мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари бузилишларига нисбатан мурасасиз позицияси тўғрйли Омбудсман институтининг халқро мақоми кучайиб, БМТ ва бошқа халқро ташкилотлар билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, 2020 йилда Глобал альянс томонидан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти Париж принципларига мувофиқлиги бўйича аккредитациядан ўтказилган ва унга “В” мақоми берилган. Юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги амалий тажриба ва бу бўйича қонунчиликнинг тақомиллашуви, шунингдек, Омбудсман фаолиятининг кучайтирилаётгани натижасида нуфузли халқро ташкилотлар томонидан миллий Омбудсманнинг халқро мақоми ошириш бўйича тавсиялар берилди. Бошқача айтганда, Омбудсманнинг Париж принципларига мувофиқлиги бўйича “А” мақомига даъвогарлик қилишига замин яратилди.

Париж тамойиллари инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтининг халқро майдонда тан олинлишида муҳим аҳамият касб этади. Бу институтилар ушбу тамойилларга риоя қилиш орқали инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя этиш ва илгари сурилда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ривожланган давлатлар тажрибаси билан ҳамоханг. Бир нарса аниқки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — давлат ва жамиятнинг умумий вазифаси бўлиб, мамлакатимиз бу борада барча сазй-ҳаракатни бирлаштириб одимламоқда. Омбудсман институти эса мазкур жараёнда фуқаролар мурожаатлари асосида ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга ҳукумат эътиборини қаратиб келмоқда.

Феруза ЭШМАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
Инсон ҳуқуқлари бўйича
вакили (омбудсман).

ЁШ АВЛОД МАНФААТЛАРИ МУҲОФАЗАСИ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани)нинг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси, шунингдек, ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳасини ривожлантириш, ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш тартибини тақомиллаштириш, ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Муҳокамаларда асосий эътибор уларнинг долзарблиги, зарурати ва аҳамияти, айниқса, аҳоли манфаатларига қай даражада мослигига қаратилди.



Болалар омбудсмани маърузаси кўриб чиқилди

Дастлаб Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани)нинг 2024 йилдаги бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан риоя этилиши ҳолати ҳақидаги маърузаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги Қонун билан Болалар омбудсмани фаолиятининг институционал асослари тақомиллаштирилди. Унга ҳар йили Олий Мажлис палаталарига бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг риоя этиши ҳолати ҳақидаги маърузасини тақдим қилиши белгилаб қўйилди.

Мазкур маъруза Болалар омбудсманининг Олий Мажлис палаталарига тақдим этидиган биринчи маърузаси бўлиб, унда мамлакатимизда бола манфаатларини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ислохотлар, жумладан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг амалга оширилиши, давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бола ҳуқуқларига оид халқро стандартлар ва миллий қонунчиликка риоя қилиш ҳолати бўйича маълумотлар акс этган.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан Болалар омбудсманнинг парламент назорати фаолиятидаги асосий эришилган натижаларни ҳам ўрин олган.

Ҳисобот йилида Болалар омбудсман номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва

ган жиноятларга оид суд хабарномалари асосида Болалар омбудсмани ва унинг қотибияти ходимлари 46 та фуқаролик, жиноий ва маъмурий ишлар юзасидан судларда кузатувчи сифатида қатнашган.

Депутатлар болалар манфаатларига оид масалаларда шикоятлар (хабарлар) беришининг самарали ва қулай механизмини яратиш мақсадида республиканинг барча ҳудудда фаолият юритаётган вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ҳамда 24-сонли тарбия колониясида Болалар омбудсманига шикоят ва хабар бериш юзасидан “Болалар омбудсмани кутиси” ўрнатилганини соҳада амалга оширилаётган ишларнинг муваффақияти сифатида эътироф этдилар.

Шу билан бирга, Болалар омбудсманига “muhojaat.gov.uz” платформаси орқали мурожаат қилиш йўлга қўйилганига эътибор қаратиб, бундай алоқа механизмлари бола ҳуқуқларини ишончли ва самарали ҳимоя қилинишига бевосита хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

Депутатлар томонидан Болалар омбудсманининг 2024 йилдаги фаолияти ҳақидаги маърузаси ижобий баҳоланиб, унинг фаолиятини янада тақомиллаштириш, болаларнинг янги таҳрирдаги Конституция ва бошқа қонунларда кафолатланган ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш бўйича бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

Мажлисда сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари Омбудсман маърузаси юзасидан ўз муносабатларини билдириб ўтди. Кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Қонун лойиҳаси масъул қўмитага қайтарилди

Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳасини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи



омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслар томонидан жами 1 064 та мурожаат келиб тушган. Бу Болалар омбудсмани институтига ва унинг фаолиятига бўлган ишонч ортганини билдиради.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Сурвайё Раҳмонованинг айтишича, 2024 йилда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 35 та шахсий қабуллари ташкил этилган бўлиб, уларга жами жисмоний ва юридик шахсларнинг 160 та мурожаати келиб тушган.

Улар таҳлили ва мониторинг асосида давлат органлари томонидан бола ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилгани юзасидан таъсир ҳужжатлари орқали муносабат билдирилиб, Болалар омбудсмани томонидан 9 та огоҳлантириш, 3 та тақдирнома, 18 та ҳулоса ва 6 та суд ҳужжати устидан протест келтириш тўғрисида илтимоснома киритилган. Бола ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликда мавжуд муаммолар таҳлили негизида давлат органлари ва ташкилотларига 40 та таҳлилий ахборот киритилган.

Мурожаатларни ўрганиш натижасида аниқланган болаларга нисбатан содир этилган зўравонлик ҳолатлари юзасидан 14 та жиноят иши ҳамда 18 та маъмурий иш кўзгатилган. Таълим муассасаларида болага жисмоний зўравонлик қилгани ва ўз касбий фаолиятига соъвоқонлик билан қарагани учун 7 нафар педагог ходим маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, 22 нафарига нисбатан интизомий жазо қўлланилган.

Ҳисобот даврида болага нисбатан қўпол муомалада бўлганлиги учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг 3 нафар ходими интизомий жазо чораси қўлланилган. Боланинг шаъни ва кадр-қимматини поймол қилганлиги сабабли 2 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилган.

2024 йилда фуқароларнинг мурожаатлари ва болаларга нисбатан содир этил-

ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу лойиҳа ер ости сувларидан оқ-қонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олишга, ер ости сувлари учун қудуқлар қовлаш фаолияти билан шугўлланувчи тадбиркорлик субъектлари учун енгилликлар яратишга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Солиқ кодексларига, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиби-таомиллари тўғрисида”ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Яъни ер ости сувлари қудуқларини қонунга хилоф равишда бурғилаш ва хавфли геологик жараёнларнинг олдини олишга доир кўрсатмалар талабларини бажармаганлик учун жавобгарлик белгилаш, ҳисоблаш воситаларисиз ер ости сувлари олинганда солиқни белгиланган солиқ ставкасининг оширилган микдорида ундириш, ер ости сувларига қудуқларни бурғилашга доир рухсатнома бериш тартибини ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш фаолиятига доир рухсатнома-ни бериш тартиби-таомили билан алмаштириш назарда тутилмоқда.

Мажлисда депутатлар томонидан лойиҳа юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айрим меъёрларни қайтадан кўриб чиқиш ва маромига етказиш учун қонун лойиҳаси масъул қўмитага қайтарилди.

Ер участкаларидан фойдаланиш шартлари осонлашмоқда

“Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

У билан қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларини фойдаланиш турига қараб 2 гуруҳга, яъни қишлоқ ҳўжалиги ер участкалари ва қишлоқ ҳўжалигига хиз-

мат кўрсатувчи ерларга бўлиш бўйича аниқ нормалар киритилмоқда.

Шунингдек, сўғориладиган ерларни қатъий муҳофаза қилиш, бундай ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш масаласини фақатгина сўғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва тупроқ сифати билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар юз берган тақдирда кўриб чиқилиши юзасидан ҳуқуқий меъёрлар белги-ланяпти. Захира фонди таркибидаги ер участкалари ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши муносабати билан туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти органлари тасарруфига қайтган бўш турган ер участкалари ўртасидаги фарқни аниқ белгилаб қўйиш назарда тутилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан депутатлар берган тақлифлар асосида ундаги меъёрлар тақомиллаштирилгани қайд этилди. Хусусан, лойиҳада қишлоқ ҳўжалигига хизмат кўрсатувчи ерларда ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турларига мувофиқ объектларни жойлаштиришнинг ҳуқуқий асослари ўз аксини толмақда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ер участкаларидан фойдаланиш шартларини янада тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Айби исботланмаганларга ҳуқуқий чора қўрилмади

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликни жиловллаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан профилактик чора-тадбирларини кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси эса таъйик ёки зўравонликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга нисбатан давлат ҳимоясини таъминлаш амалиётини кенгайтиришни назарда тутди.

Лойиҳа билан профилактик ҳисобга қўйиладиган шахслар доираси амалдаги 6 тоифадан 3 тоифага, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун профилактик ҳисобга олинаётган моддалар 28 тадан 12 тага қамайтирилиб, ҳозирда зарурий ҳисобланган қўшимча 2 та ҳолат билан тўлдирилмоқда.

Хусусан, оливий зўравонлик содир этганлиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59²-моддасига асосан жавобгарликка тортилган ҳамда содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун суд томонидан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларни профилактик ҳисобга олинандиган шахслар қаторига киритиш назарда тутилляпти.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида айрим тоифадаги шахсларга уларнинг айбилик масаласи ҳал этилма-дан туриб ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш амалиёти бекор қилинади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тақомиллаштирилади

Мажлисда ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш тартибини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда эҳтиёжманд аҳоли қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда нафақат давлат органлари, балки фуқароларимиз ҳам хайрия, эҳсон ва саховат ишларида ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Лекин амалдаги қонунчилигимизда ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартиби, бу соҳадаги субъектлар фаолиятининг очиклиги, уларга ажратилган маблағлар сарфланишининг шаффофлиги тизими мукаммал эмас. Шунингдек, ҳомийлик тўғрисидаги тартиб-қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик ҳам белгиланмаган. Бу эса фуқароларнинг асосли эътирозлари-га, ҳомийлик фаолияти билан қонуний ва виждонан шугўлланувчи нодавлат нотижорат ташкилотларига бўлган ишончининг су-

сайиши ҳамда айрим шахсларнинг ҳомий-лик маблағларини ўзлаштиришга сабаб бўлмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси ҳомийлик фао-лияти субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали меха-низмларини жорий қилиш, ҳомийлик таш-килотларининг фаолияти очиклигини ва фуқароларнинг уларга нисбатан ишончи-ни ошириш ҳамда ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш учун пул маблағларини йиғишни қонуний тартибга солишни на-зарда тутди.

Лойиҳада ҳомийликни давлат томони-дан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча ме-ханализмлари, ҳомийлик хайрияларини йи-ғиш, хайрия қўтисини ўрнатиш ва ундан фойдаланиш тартиблари, ҳомийлик хай-риялари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш ва бу жараённинг очиклигини таъ-минлаш шартлари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартиби-ни бузишнинг олдини олиш, ҳомийлик ташкилотлари фаолияти шаффофлигини таъминлаш ҳамда уларга нисбатан фуқаролар ишончининг орттишига хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритилмоқда

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўши-мчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойи-ҳаси ҳам қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

Мазкур лойиҳа билан Солиқ кодекси-га ортиқча ундирилган солиқ суммаси-ни солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича келгуси тўловлари учун ҳисобга олиш тартибини соддалаштириш, айрим тоифадаги шахсларга солиқ имтиёзла-рини тақдим этиш ҳамда солиқ маъму-ричилигини янада тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мажлисда депутатлар қонун лойиҳаси-да солиқ тўловчиларга қўшимча қулайлик-лар яратиш ҳамда уларнинг қонуний ман-фатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқий асослар тақомиллаштирилаётга-нини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатларини бартараф қилишда қатнаш-ган шахсларни рағбатлантириш ҳамда қишлоқ ҳўжалигида сув ресурсларидан те-жамкорлик билан фойдаланишга қаратил-ган солиқ маъмуричилиги янада кучайти-рилаётгани таъкидланди.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойи-ҳасининг қабул қилиниши солиқ тўловчи-ларга қулай шарт-шароит яратишда, иж-тимоий ҳимоя қилиш тизимини, шунинг-дек, солиқ маъмуриятчилигини янада та-қомиллаштиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ўзбекистон — Озарбайжон ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичи

Мажлисда “Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртаси-да иттифоқчилик муносабатлари тўғриси-да Шартномани (Тошкент, 2024 йил 23 август) ратификация қилиш тўғриси-да”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ушбу Шартнома икки давлат раҳбар-лари томонидан 2024 йил 23 август куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбеки-стон ва Озарбайжон Республикалари Олий Давлатлараро кенгашининг биринчи маж-лиси якунлари бўйича имзоланган.

Охириги йилларда мамлакатимиз ҳуку-мати томонидан олиб борилаётган праг-матик ва очик ташқи сиёсат натижасида қўшни давлатлар билан яхши диплома-тик муносабатлар ўрнатилди. Бу борада Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожланиб, 2024 йил 23 август кун иккита давлат раҳбарлари учрашуви натижасида Ўзбеки-стон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида иттифоқчилик му-носабатлари тўғрисидаги Шартнома им-золанди. Бу билан Ўзбекистон — Озар-байжон муносабатларини давлатлараро ҳамкорлигининг энг юқори даражасига кўтарошга эришилди.

Ҳужжат ташқи сиёсат, парламент дип-ломатияси, мудофаа ва хавфсизлик, иқти-содий ҳамкорлик ва инвестициявий фао-лиятни ривожлантириш, “ашил” ва рақам-ли иқтисодиёт, электрон тижорат, энерге-тика, АКТ, IT-хавфсизлик ва СИ, транс-порт тизими, маънавий-маърифий, мада-ний, ижтимоий ҳамда туризм соҳаларида, халқро ва минтақавий ташкилотлар, фо-румлар доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришни ўз ичига олган.

Мазкур Шартнома икки мамлакат мус-тақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлит-лиги ва барқарор иқтисодий ривожлани-шини янада мустаҳкамлашга қаратилган давлатлараро муносабатларнинг янги босқичини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам-лашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ДОРИЛАМОН КУНЛАР САОДАТИ

Жонажон халқимизнинг Ватан ҳимояси йўлидаги мардлигу қаҳрамонликлари авлодларга ибрат мактабини ўтамоқда, десак, муболага эмас. Истиқлол ва тинчлик учун ўз жонини аямаган ота-боболаримизнинг улкан жасорати, матонати ҳамда фидойилигини унутмаслик, уларнинг номини ёш авлодга етказиш янги Ўзбекистон танлаган йўлнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ва "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик қўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида"ги қарори бу йўналишдаги ишларнинг узвий давомидир.

Қайд этиш жоизки, ушбу муҳим ҳужжат Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фахрийлари, шунингдек, Ватан озодлиги, бугунги дориламон кунлар учун курашган аجدодларимизга чуқур эҳтиром ифодасидир.

Дил сўзи

Замонамиз файзи бўлакча

Акмал АКРОМОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (Тошкент шаҳри):

— Кўча-кўйда бир-бирига ўйинчоқ тўппонча ўқталаётган болакайларни кўрсам юрагим оғриб, ичиндан нимадир узилгандай бўлади. Ўзимча уларни қойиб қўяман, тинчликнинг қадри ҳақида ўпкам тўлиб панд-насиҳат қиламан.

"Уруш, номинг ўчсин!" деб бежиз айтилмаган. Ахир у қанчадан-қанча ёстиқларни қуритди, мунис оналарни азиз фарзандидан жудо қилди, гулдай жувонларни бева, болаларни етим қолдирди. Менимча, урушда қолганлар бўлмади...

Иккинчи жаҳон уруши... Қонли йиллар, йиги овозлари, улкан қиргинбарот. Ушанда мен ҳам 1942 йилдан то 1945 йилга қадар фашист босқинчиларига қарши жанг қилдим. Афсуски, 1945 йили

қаттиқ яраландим ва демобилизация учун қақириб олиндим. Аммо бундан сўнг умидларим сўниб, ҳаётим тугаб қолгани йўқ. Тез орада уруш тугади, бошимиз узра тўпланган қора булутлар ортидан қуёш кўринди, бахтли ва осуда давр бошланди.

Хотиржам кунларимизни эл қорига ярашдек бахт билан бе-заш илинжида ишга отландим. Ўтган йиллар мобайнида кўп жойларда фаолият юритдим, қаерда ишламай, юртимиз равнаки, халқимиз, оиламиз ва яқинларимиз эртаси учун тер тўқидим.

Мамлакатимизда уруш фахрийларига ҳамиша алоҳида эътибор қаратилади, уларнинг сафида борлигидан фахрланаман.

Президентимизнинг биз, уруш қатнашчиларини рағбатлантириш



борасидаги Фармонини эшитиб, беҳад хурсанд бўлдим, кўксим тоғдек кўтарилди. Ахир шу ёшга етганда бундай эъзозланиш катта бахт!

Унутмаслик жоизки, бу гўзал кунларнинг, бу осуда замоннинг файзу таровати бўлакча. Ахир унга етганлар бор, етмаганлар бор... Урушни ҳам кўрдик, не-не уқубатлар, азобларни ҳам. Истардимки, ҳеч бир мамлакатда уруш бўлмасин, хонадонларимиз бахтга тўлсин.

У кунларни эслаш оғир, аммо унутиб ҳам бўлмайди...

Сайдулло ЖАББОРОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (Қашқадарё вилояти):

— Бундан роппа-роса 84 йил аввал... Уруш бошлангани ҳақидаги ваҳимали хабарлар Шаҳрисабз туманининг Хисор тоғ тизмалари этагига жойлашган чекка Кутчи қишлоғимизга ҳам етиб келди. Кўп ўтмай қишлоқ йигитлари бирин-кетин фронтга отланишди. Улар орасида эндигина 21 ёшга тўлган қамина ҳам бор эди...

Ҳа, вазият жуда оғир эди. Хар қуни, хар лаҳза ўлим билан юзма-юз келардик. Урушнинг бор даҳшатини, унинг инсоният бошига келтирган аёвсиз қулфатларини ана ўша лаҳзаларда англаганман. Урушда инсон ҳаётининг заррача аҳамияти йўқ экан. Бир кунда юзлаб сафдошларимиздан айрилдик... Ана шундай аёвсиз жангларда бир неча мартаба оғир жароҳат олдим. Тўзалишим билан эса яна жанг майдонига отландим. 1944 йилнинг сўнгига келиб душманининг ҳам шашти сўнди, ортга тисарила бошладим. Бу пайтда мен танкчилар қисмига ўтгандим, Латвия ва Литва ҳудудларида жанг қилардим. Нихоят 1945 йил бошларига келиб фашистлар қўллаб ҳудудлардан тамомила чекинди. Мен, ҳатто, 1945 йилнинг 9 май куни ҳам жанггоҳда эдим. Ушанда сафдошларим билан ногоҳ уч-тўртта фашист аскари яшириниб ётган пистирмага дуч келдик. Чорасиз қолган душман жон ҳолатда ўт очарди. Ушбу қарама-қаршиликда оғир жароҳатландим. Уруш тугаганидан эса орадан бир неча кун ўтиб, Воронеждаги ҳарбий госпиталда билдим. 1946 йили икки кўлтиқ-



таёкда кўксим тўла орден ва медаллар билан уйга қайтдим.

Қишлоққа қайтган урушнинг даҳшатини янада теранроқ ҳис этдим: аксарият оилалар фарзандидан, отасидан айрилган, ҳаммада тушунлиқ кайфияти, бунинг устига очарчилик, бир бурда нон топиш машаққат... Хуллас, у кунларни эслаш жуда оғир, аммо унутиб ҳам бўлмайди.

Ҳукуматимиз томонидан биз, уруш қатнашчиларига юксак эҳтиром кўрсатилаётгани катта бахт. Барча шарт-шароит яратиб берилган, ҳолимиздан доим хабардор бўлиб туришибди. Хар йили Хотира ва қадрлаш куни арафасида Президентимиз мукофотини оляпмиз.

Бу йил ҳам давлатимиз раҳбарининг Фармонига асосан биз, уруш фахрийларига эътибор ҳамда ғамхўрлик сифатида катта ишлар амалга оширилиши белгиланибди. Албатта, буларни эшитиб ич-ичимдан севиндим. Илоҳим, юртимизнинг ана шу тинчлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти бардавом бўлсин!

Жасорат бизнинг шиоримиз эди

Аҳад ОЧИЛОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (Самарқанд вилояти):

— 17 ёш... Эр йигит учун билаклари кучга тўлган, тоғни урса толқон қилгудек палла. Инсоният бошига оғир қулфатларни ёғдирган Иккинчи жаҳон уруши ана шундай алп йигитларни уруш жанггоҳларига олиб кетди, шулар қатори мени ҳам...

1942 йилда урушга отландим. Дастлаб сафдошларим билан Ашгабаддаги танкчилар ўқув юртида 8 ойлик тайёргарликдан сўнг Шимоллий Кавказда урушга кирдик. Кейин Украина ҳудудидagi жангларда қатнашдим. Буюк ғалабадан сўнг ҳам ҳарбий хизмат давом этди. Дастлаб Одесса ҳарбий округида бир йил хизматда бўлдим. Кейин Германияда 1949 йилгача хизмат қилдим. Жасорат бизнинг шиоримиз эди.

Урушдан кейинги фаолиятимни таълим-тарбия соҳаси билан боғладим. Аввал педагогика техникумида, кейин Самарқанд давлат университети-тетининг филология факультетиде тахсил олганимдан сўнг 52 йил бир мактабда — тумандаги 3-ўрта таълим мактабиде ёшларга таълим-тарбия бердим. Нафақага чиққач ҳам 18 йил мактабда меҳнат қилдим. Ҳозир ҳам



шоғирдларим йўқлаб, маслаҳат сўраб туради.

Биз, уруш қатнашчилари ва унга тенглаштирилган шахслар, меҳнат фронти иштирокчилари Президентимизнинг доимий эътиборидан мағрурланамиз. Мана бу йил ҳам барчамиз мукофотланяпмиз. Бундан кўнглим тоғдек ўсди, албатта.

Бугунги фаровон ҳаётимиз, тинчлик ва осойишталигимиз, Ватанимиз тараққиёти йўлида олиб борилаётган эзгу ташаббуслар кундан-кунга ортомқода. Доим қўлимни дуога очар эканман, дастурхонларимиз тўкиллиги, халқимиз фаровонлиги, тинчлигимиз абадий, мустақиллигимиз бардавом бўлишини сўрайман.



Факт ва рақамлар

Ватанимиз тинчлиги ва мустақиллик учун ўз жонини аямаган ота-боболаримиз ва мард ўғлонларимизнинг улкан жасорати, матонати ҳамда фидойиликлари барчамиз учун ибрат мактабидир.

■ Иккинчи жаҳон урушига ўзбекистонликларнинг **2 миллионга** яқини сафарбар этилиб, шундан **538 минг** нафардан ортиги жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

■ **158 минг нафардан** кўпроғи бедарак йўқолган, мустақиллик йилларида **200 нафарга** яқин ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида ўз жонини фидо қилганлар.

Бу йил юртимизда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни "Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайди" шиори остида ўтказилади.

Шу давронга етказганига шукр

Вафо ИСКАНДАРОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (Хоразм вилояти):



— Яратганга шукр, бу йил юзинчи баҳорни кутиб оляпман. Умрим давомида кўп яхши-ёмон кунларни, қувончу ташвишларни кўрдим. Ёшлигимда минглаб тенгдошларим қатори Иккинчи жаҳон урушида қатнашдим. Қанчадан-қанча сафдошларим жанг майдонларида қолиб кетди. Бундай тинч ва фаровон турмушни, юртимиз озодлиги ва ободлигини кўриш қўллаб қуролдошларимизга насиб этмади. Тақдирнинг инояти билан урушдан соғ-омон оилам бағрига қайтиб келиб, эл-юрт ардоғида шундай табарук ёшга етиш бахтига мушарраф бўлганимдан шукронам чексиз. Уруш йилларининг азоби, очарчилик даҳшатини биз кўрдик, авлодларимиз тақдирда асло бундай қора кунлар такрорланмасин.

Бугун юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, хар жабҳадаги янгиланишларни кўриб хурсанд бўламиз. Айниқса, биз, уруш фахрийларига кўрсатилаётган эътибордан жуда мамнунмиз. Яқинда "Нуроний" жағармаси вилоят бўлими раҳбарлари келиб, Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонини ўқиб берди. Унга кўра уруш қатнашчилари ва ногиронларининг хар бирига 10 минг АҚШ доллари миқдорида бир марталик пул мукофоти бериладиган бўлибди. Бу ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдорим.

Бу йил 9 май санасида фашизм устидан қозонилган Буюк ғалабага 80 йил тўлади. Афсус, сафдошларимизнинг қўчилиги бу кунларга етиб кела олмади. Сўриштирсам, бугун Хоразмда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан атиги 4 нафар қолибмиз. Бу ёруғ оламини тарк этган қуролдошларимиз хотираси олдида таъзимдамиз, ҳаёт бўлган сафдошларимизга эса тан-сихатлик тилайман.

Ватан азии, муқаддас. Уни қадрлаш, янада тараққий этиши учун садоқат билан тинмай хизмат қилиш керак. Илоҳим, Ер юзиде юртимиздагидек тинчлик-фаровонлик, меҳр-муҳаббат ва эзгулик барқарор бўлсин!

«Халқ сўзи».

Ота дуосидан куч олиб...

Одилжон ЗОКИРОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (Фарғона вилояти):



— Бир пайтлар қонли жанггоҳларда азоб-уқубат ичра инграб юрганимиз ҳали-ҳамон ёдимда... Бугунги кунларга бир назар солинг, қандай гўзал, осуда, чиройли!.. Яратганга шукр, бугун умрининг 103-довонидан ошиб, набира ва чеваралар ардоғида бахтли ҳаёт кечирмоқдаман.

Кечагидек эсимда, 1942 йилнинг кузида жанг майдонини сари йўл олдим. Маҳалладош қўшим билан фронтга отланар эканмиз, хайрлашув чоғида раҳматли отам болалиқдан қалиб юрган дуторимни меҳ-

монхона тўрига олиб қўйди. Мени оталик меҳри билан бағрига қаттиқ босиб: "Хар гал меҳмонхонага кирганимизда дуторингни кўриб, сени эслаб юрамиз. Урушдан соғ-омон қайтиб, шу уйда яна азиз меҳмон бўлишинг учун дуо қиламиз", дея айтган сўзи ҳамон қулоғим остида жаранглаб туради. Отамнинг бу умидбахш гапи мени урушдан омон қайтишимга руҳлантирган бўлса, не ажаб.

Ушанда икки қўшни поездда тобора қадрдон юртдан узоклашиб борар эканмиз, ҳаёлимда: "Урушдан ғалаба билан қайтиб, оилам даврасида яна шу дуторимни чаламан...", деган эзгу туйғу чарх уради. Бундай ширин хаёллар совуқ ўлкаларда, бир неча кунлаб оч қолган пайтларимиз, жароҳатланганимда узилмас меҳр риштаси, ишонч кўприги бўлиб хизмат қилди, десам, адашмайман.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида

«Китобхон Тошкент» лойиҳаси тақдироти бўлиб ўтди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 407 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг кўлаёб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахриратта компьютер маркада терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Қаримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусаҳҳис — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон қасаба уюшмалари:

БЕШ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБИ

Шу кунларда тармоқ қасаба уюшмалари устанларида барча даражадаги қасаба уюшмалари органларининг ваколат муддати 5 йил этиб белгиланганидан келиб чиқиб, жойларда навбатдаги ҳисобот-сайловлар ўтказилмоқда. Уларда тизимнинг ўтган беш йилликдаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, эришилган натижалар таҳлил этилапти.

Ҳисобот-сайловлар ва жамоа шартномаси ижроси

Яқинда Бухоро вилоятининг Гиждувон туманидаги "Парвоз Ҳумо Равнақ Транс" масъулияти чекланган жамиятида бошланғич қасаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси ҳамда жамоа шартномасининг 2024 йилда баҳарилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда корхона қасаба уюшма қўмитаси раиси 5 йил давомида иш берувчи билан ижтимоий шериклик асосида меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди.

Таъкидланганидек, иш берувчи томонидан йил давомида ходимларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш бўйича тизимли ишлар ҳаётга татбиқ этилган. Ўз навбатида, қасаба уюшма қўмитаси раиси жамоа шартномаси бандларининг тўлиқ ижросини амалга ошириш борасида олиб борган ишлари тўғрисида маълумот берди. Шунингдек, экспертиза комиссиясининг жамоа шартномаси ижроси бўйича ҳисоботи эшитилди.

Тадбир давомида делегатлар томонидан юқоридаги шартномага қиритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар юзасидан тақлифлар билдирилди. Конференцияда қасаба уюшма қўмитаси раиси ва тафтиш комиссияси раиси муқобиллик асосида сайланди.

"Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" масъулияти чекланган жамиятида ўтказилган худди шундай ҳисобот-сайлов конференциясида 2023 — 2025 йилларга тузилган жамоа шартномаси ижроси, МЧЖ бошланғич қасаба уюшма ташкилоти фаолияти сарҳисоб қилинди.

Конференцияда иш берувчи вакили ва қасаба уюшма қўмитаси раиси ташкилот Жамоа шартномасига мувофиқ 2024 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот беришди. Бошланғич даражадаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиянинг далолатномаси ўқиб эшиттирилди.

Делегатлар томонидан жамоа шартномаси баҳарилиши бўйича иш берувчи ва қасаба уюшмаси қўмитасининг фаолияти бир овоздан қониқарли деб баҳоланди ҳамда икки томонлама комиссия далолатномаси тасдиқланди. Шунингдек, ҳисобот-сайлов конференциясида МЧЖ қасаба уюшмаси қўмитасининг 2020 — 2024 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди ва ўтган даврдаги фаолияти қониқарли деб баҳоланиб, тафтиш комиссияси далолатномаси тасдиқланди.

Ҳисобот-сайлов конференцияси давомида бошланғич қасаба уюшмаси қўмитаси раиси ва қўмита аъзолари очик овоз бериш йўли билан сайланди. Делегатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва тақлифлардан келиб чиқиб келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.



"Навоий иссиқлик электр станцияси" АЖ бошланғич қасаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси миллийлик тарғиботи асосида ташкил этилган тадбирга 95гача руҳ бағишлади. Унда қатнашган 35 нафар делегатнинг барчаси миллий либослари билан маънавий мафқурамиз ва дунё тамаддунида тутган ўрнимизни намоян этди, десак, муболага эмас.

Тадбирда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти Кенгаши раиси ва бошқа масъуллар меҳнатқашлар манфаатларини таъминлаш йўналишида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, жорий йилда Ўзбекистон қасаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги кенг нишонланиши ҳусусида батафсил маълумот беришди.

Йиғилиш кун тартибига кўра "Навоий ИЭС" АЖ бошланғич қасаба уюшмаси қўмитасининг ўтган 5 йиллик ҳисобот давридаги фаолияти бўйича қўмита раиси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари тингланди ҳамда муҳокама қилинди.

Делегатлар томонидан яширин овоз бериш йўли билан "Навоий ИЭС" АЖ бошланғич қасаба уюшмаси қўмитаси раиси сайланди. Яқинда жамият бошланғич қасаба уюшмаси ташкилотининг келгусидаги фаолияти бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).